

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ		номли катта гуруҳи					
Мавзу		“Бизнинг инок мамлакатимиз”					
Давр		Февраль ойининг 1 хафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;	Болаларга бир меъёрда жисмоний ривожланишига кўмаклашиши ҳаракатларини бойитиш, машқларни бажаришга эришиш(умум ривожлантирувчи машқлар)хар хил буйруқларни бажариш болаларни енгил югуришга ўргатиш					
	ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатни шахсий эмотсионал эстетик кечинмалар орқали ошириш. Боланинг дунё қарашини эмотсионал ҳиссий тимсолий тафаккурини ривожлантириш. Санъат асарлари билан					
	нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;	Нутқда оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда болаларга суратга қараб хикоя тузишга ўргатиш, сўз луғатини бойитиш, тўғри нутқни шакллантириш.					
	билиш жараёнини ривожланиши;	Инсонларга ахлоқий томонлари ҳақида бадиий ва бошқа санъат турлари намуналари ҳақида гушунча бериш, хушмуомала бўлишга ўргатиш.					
	ижодий ривожланиш.	Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ҳар хил воситалардан фойдаланган ҳолда (шакл,колорид) апликация ёки хашкалтарошликни рўёбга чиқариш.					
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Фронтал машғулот							
Мустақил таълим фаолияти	Қурилиш ва конструктор ўйинлар	Қурилиш ашёларидан “Дўстлик кўпригини курамиз”					Кубиклар жамланмаси, конструктор модули
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	Почта		Меҳмон келди			Сюжетли ўйинлар гўплами
	Нутқ ва тил маркази	Шаҳарнинг диққатга сазовар жойлари акс этган суратларга қараб хикоя тузиш					Сюжетли расмлар
	Илм ва табиат маркази	Қурилмани платформага жойлаштириб нидамлилиқга синовдан ўтказиш (хар хил кучда)			МТМ боғида тажриба пиёз ва саримсоқ		Гупроқ тўлдирилган латок, лапатка, пиёз ва саримсоқ
	Санъат маркази	Лой иши “Кўзача”			Декоратив расм чизиш (кўзачани бўяш)		Рангли бўёқлар, мўйқалам, қоғоз, салфетка, пластилин (лой) тахтакач, стеклар

Феврал 1 ҲАФТАСИ “Бизнинг инок мамлакатимиз”

Қуриш-яшаш, математика маркази

«Қурилиш ашёларидан дўстлик кўпригини қурамиз»

Мақсад: кўприк қуришни режалаштиришни биладилар шу режа асосида кўприкни қурадилар, катта кичик қурилиш материалларини ўз жойида ишлатишни биладилар. Янги сўзларини тушинадилар (виядук, эстакада).

Жиҳоз ва материаллар: турли хилдаги қурилиш материаллари конструктор модули, қурилиш хом ашёлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хил кўприклар акс этган суратларни томоша қиладилар;
2. Кўприклар қандай бўлиши ва қурилиши ҳақида тушунчага эга бўладилар;
3. Жамоада кўприк қуришни биладилар;

Қўшимча қисм: Катта кичик кўприкларни қуриш.

Эътиборга молик жиҳати:

Қурилиш жараёнида майда матрикани ривожланиши, боғланган нутқни шаклланиши, сўз бойлиги ортиши, кўприк ҳақида тушунчага эга бўлиши.

Сюжетли – ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

«Почта»

Мақсад: касблар ҳақида билимга эга бўлади, расмлар орқали сўз бойлиги ортади, махсус хужжатлар бўлишини билади.

Жиҳоз ва материаллар: Почтальон сумкаси, махсус кийими почта қутиси, конверт, хабарнома қоғози, ручка.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Почта” ходими билан танишади;
2. Ўйинни режалаштиради.
3. Ролларни тақсимлайди.
4. Ўйинни олиб боради
5. Почта шеърини ёдолиб беради.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Почта ходими вазифасини билиши, савол жавоб мулоқати орқали нутқлари шаклланиши.
2. Янги сўзларни билиши.
3. Касбга қизиқишларини ортириш.

Тил ва нутқ маркази

Шаҳарнинг диққатга сазовар жойлари акс этган суратларга қараб ҳикоя тузиш.

Мақсад: Ўз шаҳрини иллюстра орқали таниши, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини билиши, диққат, хотира, тафаккурларини шаклланиши ва нутқларини ривожланиши.

Жиҳоз ва материаллар: АКТ, расмли карточкалар, кесма карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини кузатиши.
2. Мавзуга оид суратлар орқали гаплар тузиши.
3. Қисқа ҳикоя қилиб бериши.
4. Шаҳар ҳақидаги тасаввурларини шаклланиши.

Қўшимча қисм: Диққатга сазовар жойларига саёҳат уюштириш.

Эътиборга молик жиҳати: диққатга сазовар жойлари акс этган суратлар орқали ҳикоя туза олиши диққат, хотира, тафаккур ва нутқларини ривожлантириш.

Илм ва табиат маркази

Курилмани платформага жойлаштириб чидамлилиқка синовдан ўтказиш (ҳар хил кучда).

Мақсад: курилмани жойлаштиришда тўғрилигини билишлари, ўлчамини тўғри ўлчаб жойлашларини билишлари. Ушлаб кўриб синовдан ўтказишлари.

Жиҳоз ва материаллар: курилиш хом-ашёлари, курилган бино туриши учун платформа, баланд бинолар акс этган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Курилган иншоатлар тасвирланган суратларни кўриши;
2. Иншоатларни куриши.
3. Бинони чидамлилиқка текшириш (турли куч билан).
4. Синовдан ўтказилиши.

Қўшимча қисм: зилзила вақтида ўзини тутиш қоидаларини мустаҳкамлаш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. БҲХ билиши.
2. Бузилган иншоатларни қайта таъмирлаши.

Санъат маркази

“Кўзача” лой иши .

Мақсад: Лойи бутун қисмидан фойдаланиб ясаши, майда қўл маторикасини ривожланиши, диққати, тасаввури, ижодкорликни шаклланиши.

Жиҳоз ва материаллар: кўзача намунаси, тахтакачлар, стеклар, салфетка, лой.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўзачани диққат билан кузатиши.
2. Ясаш усулларини тушуниб олиши.
3. Ясашда бармоқларни ҳаракатлари ва текислаши.
4. Тайёр ишлар кўргазмаси.

Қўшимча қисм: Тайёр ишлар куришиб, бўяшга тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Лой билан озода ишлаши.
2. Тасаввурни шаклланиши.
3. Майда маторикани ривожланиши ва кўзача ҳақида билимга эга бўлиши.

Сюжетли – ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

«Меҳмон келди»

Мақсад: одобномақоидаларини (кутиб олиш, саломлашиши, стол безатиш...) тенгдошлари ва каттар билан мулоқат қилиши, уй рўзғор буюмларини ишлатишни билади, боғланган нутқ орқали мулоқатга киради.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар учун мўлжалланган ошхона тўплами, мевалар, сабзавотлар дастурхон, гуллури билан гулдон, болалар мебеллари, ошхона, болалар боп газ плитаси ва ошхона буюмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Меҳмон кутиш одоби ҳақида суҳбат ўтказиши;
2. Ўйин ўйнашни режалаштириши;
3. Ролларни тақсимлаши.
4. Ўйинга раҳбарлик қилиши ва кузатиши.

Қўшимча қисм: Мавзу асосида шеър ёд олиши.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Одоб қоидаларига тўлиқ амал қилиши.

2. Миллий таомларни билиши.

Фан ва табиат маркази

МТМ боғида тажриба. Пиёз ва саримсоқ.

Мақсад:Сабзавотларни экишниерни юмшатишни парвариш қилишни билиб олдилар. Сабзавот ҳақидаги тушунчалари кенгайди. Мехнатга қизиқишлари ортди.

Керакли жиҳоз ва материаллар:тупроқ тўлдирилган латок, лапатка, пиёз ва саримсоқ акс эттирилган суратлар лейка, фартуклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сабзавотлар экиш ҳақида суҳбат ўтказиши.
2. Сабзавотларни экиш учун жойни тайёрлаши.
3. Мустақил ишлаши.
4. Пиёз ва саримсоқни ўсишини кузатиш юзасидан кундалик тутиши.

Қўшимча қисм:Пиёз ва саримсоқ ҳақида ҳикоя айтиш.

Эътиборга молик жиҳати:

- 1.Саволлар орқали билимларини аниқлаши.
2. Қўйилган мақсадга эришиш йўлида фаолиятни тўғри режалаштириш.

Санъат маркази

Декоратив расм чизиш. (кўзачани бўяш)

Мақсад:Рангларни тўғри танлаган холда кўзачани бўяши, мўйқаламни тўғри ишлатиши, майда маторикани шаклланиши, ўзбек миллий лойдан тайрланадиган буюмлар ҳақида билимга эга бўлиши.

Керакли жиҳоз ва материаллар:рангли бўёқлар, кўзача, мўйқалам, қоғоз, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбек миллий буюмлар ҳақида суҳбатлашиши.
2. Кўзачани безатишда нақш элементларини ўйлаб топиши.
3. Кўзача ҳақида ҳикоя айтиши.
4. Болалар ишларининг намоиши.

Қўшимча қисм: Миллий нақш элементлари асосида яратилган кўзачаларни томоша қилишда (болалар мусиқа садоси остида расм чизадилар).

Эътиборга молик жиҳати: Болаларни диққатини миллий нақш элементларининг хилма-хиллигига қаратиш, ижодий қобилиятларини ошириши, диққат, тасаввурларини шаклланиши.